

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ADLIA VAZIRINING
БУЙРУҒИ**72 Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2326

(2012 йил 24 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидан кенг фойдаланишни таъминлаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиш ва қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификатори асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кодлар бериш ҳамда қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш ва туркумлаш картотекасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 14 июндаги 112-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1689, 2007 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 256-модда);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 226-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1689-1, 2011 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 436-модда).

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекис-

тон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

6. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази (Ш. Яминов) билан биргаликда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин.

7. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 14 февраль,
39-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги
39-мҳ-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти
органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган
ҳисобини юритиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида (кейинги ўринларда матнда давлат бошқаруви органлари деб юритилади), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш — уларни марказлаштирилган тартибда йиғиш, мазкур Қоидаларнинг 1-илова-

сидаги Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини ҳисобга олиш журналида (кейинги ўринларда матнда Журнал деб юритилади) ҳисобга олиш ҳамда назорат нусхаларини олиб боришдан иборат.

2. Давлат бошқаруви органларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бевосита тегишли соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қўйидаги соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади:

давлат рамзлари, пойтахт, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар;
маъмурий-ҳудудий тузилиш;
референдумлар, сайлов тизими;
ёшларга доир сиёсат;
маҳаллий давлат ҳокимияти;
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
қонунчилик ташаббуси, норма ижодкорлиги фаолияти;
фуқароларнинг мурожаатлари;
никоҳ ва оила, фуқаролик ҳолати далолатномалари;
меҳнат, аҳоли бандлиги, ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот;
соғлиқни сақлаш, санитарияга оид қонун ҳужжатлари;
таълим;
уй-жой қонунчилиги, коммунал хизмат;
атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш;
қишлоқ хўжалиги;
савдо ва хизмат кўрсатиш, транспорт, йўл хўжалиги;
солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;
давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар;
бухгалтерия ҳисоби;
давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
терроризм ва диний экстремизм билан кураш;
фуқаролик муҳофазаси.

4. Мазкур Қоидаларнинг 3-бандида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари:

туман (шаҳар) ҳокимликларида — туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг, вилоят ҳокимининг ҳамда вилоят халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади;

вилоят ҳокимликларида — вилоят ҳокимининг ҳамда вилоят халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.

5. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли давлат органи раҳбарининг қарорига мувофиқ, мазкур Қоидаларнинг 2 — 4-бандларида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча равишда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам туркумлаштирилган ҳисобини юритишлари мумкин.

6. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш вазифаси юридик хизмат ходимига (юрисконсултга) юклатилади. Унинг йўқлигида ушбу вазифа давлат бошқаруви органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари томонидан бошқа шахсга юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификатори асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кодлар бериш ҳамда қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш ва туркумлаш картотекасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

II. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини журналда ҳисобга олиш

7. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш мақсадида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашри (кейинги ўринларда — расмий нашрлар) тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 6-бандида кўрсатилган ходимлар томонидан Журналга киритилади.

8. Журналга расмий нашр тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киритилади:

- тартиб рақами;
- рўйхатга олиш санаси;
- расмий нашрнинг номи;
- расмий нашрнинг чоп этилган йили;
- расмий нашрнинг сони;
- расмий нашрнинг баҳоси;
- изоҳ.

III. Қонун ҳужжатларининг назорат нусхаларини олиб бориш

9. Қонун ҳужжатининг назорат нусхаси бўлиб, шу ҳужжатга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги, ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман амал қилиш муддатини узайтириш ёхуд амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги маълумотлар киритилган нусхаси ҳисобланади.

10. Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бўлими, кичик бўлими, боби, параграфи, моддаси, қисми, банди, кичик банди, хатбошиси (кейинги ўринларда матнда тузилмавий бирликлари деб юритилади) ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганда ёки янги тахрирда қабул қилинганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг назорат нусхасига ушбу ҳужжат номининг ёки тегишли тузилмавий birlikларининг чап томонига «х» белгиси

қўйилади, матн эгри чизик билан ўчирилади ҳамда шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув, сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами ва эълон қилинган манбаси акс эттирилади (2-илова).

11. Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилмавий бирликларининг алоҳида жумлалари, сўзлари, рақамлари алмаштирилганда ёки чиқариб ташланганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат назорат нусхасидаги тегишли жумлалар, сўзлар ва рақамлар «└───┘» (алмаштирилганда) ёки «┌───┐» (чиқариб ташланганда) шаклидаги горизонтал тўғри чизик билан ўчирилади ҳамда шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув, сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами ва эълон қилинган манбаси акс эттирилади (3-илова).

12. Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимчалар киритилганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат назорат нусхасининг тегишли тузилмавий бирликларига «└┘» белгиси қўйилади, шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув ҳамда сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами ва эълон қилинган манбаси акс эттирилади (4-илова).

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки унинг тузилмавий бирликларининг амал қилиш муддати узайтирилганда, ёхуд амал қилиши тўхтаиб турилганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат назорат нусхаси тегишли тузилмавий бирликларининг чап томонига «х» белгиси қўйилади, шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув, сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган манбаси ҳамда ҳужжатнинг амал қилиши узайтирилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги муддати акс эттирилади (5-илова).

14. Назорат нусхалардаги ёзувлар фақат ҳаво рангдаги шарикли ручка билан тушунарли ёзувда киритилиши керак. Агар ёзув бутун ҳужжатга тааллуқли бўлса, белги норматив-ҳуқуқий ҳужжат номининг чап томонига қўйилади. Агарда ёзув норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирликларига тааллуқли бўлса у холда белги тегишли тузилмавий бирликларнинг чап томонига қўйилади.

15. Давлат бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхалари улар қабул қилинган тилларда юритилиши шарт.

Фойдаланишда қулай бўлиши учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларига ўзгартиш ва қўшимчалар акс эттирилган матни ёпиштирилади.

IV. Қонун ҳужжатларини сақлаш

16. Расмий нашрлар қатъий ҳисобга олинishi, сақланиши ва ҳар 5 йилда камида бир марта хатловдан (инвентаризациядан) ўтказилиши зарур.

Расмий нашрлар йил бўйича хронологик тартибда йиғилади ва муқоваланади.

Расмий нашрлар ҳар бир нусхасининг биринчи ва ўн еттинчи саҳифаларига тамға (штамп) ва инвентарь рақами қўйилади.

17. Расмий нашрлар ушбу Қоидаларнинг 6-бандида кўрсатилган ходимлар томонидан сақланади. Бу ходимлар моддий жавобгар шахс ҳисобланади ва улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Юқорида кўрсатилган ходимлар ўзгарганда қонун ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади.

V. Яқуний қоидалар

18. Ушбу Қоидаларнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сон «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланилиши юзасидан доимий равишда мониторинг олиб боради.

20. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий
 давлат ҳокимияти органларида қонун
 ҳужжатларининг туркумлаштирилган
 ҳисобини юритиш қоидаларига
 1-ИЛОВА

**Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини ҳисобга олиш
 ЖУРНАЛИ**

Т/р	Рўйхатга олиш санаси	Расмий даврий нашрнинг номи	Расмий даврий нашрнинг чоп этилган йили	Расмий даврий нашрнинг сони	Расмий даврий нашрнинг баҳоси	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7
1.	11.12.2011 й.	ЎзР ҚХТ	2011	2	12000	49-сони
2.						
3.						
...						

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қодаларига
2-ИЛОВА

Намуна

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
20.09.2003 й. 407-сон**

**х) ШАКАР ХОМ АШЁСИ ХАРИД ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Хоразм шакар заводининг эҳтиёжлари учун шакар хом ашёси харид қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Шакар хом ашёси етказиб берувчини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Шакар хом ашёси етказиб берувчини аниқлаш бўйича махсус гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 1 февралдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 7-модда) ва «Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 1 февралдаги 44-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2002 йил 19 июндаги 217-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 33-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ў. СУЛТОНОВ

х) ЎзР ВМнинг 2004 йил 22 декабрдаги 599-сон қарори билан ўз кучини йўқотди (ЎзР ҚХТ 2004 й., 51-сон, 518-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

х) ~~95-модда.~~

~~Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.~~

~~Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.~~

х) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 470-II-сон Қонуни таҳририда (ЎзР ОМ Ахб., 2003 й., 3-4-сон, 27-модда)

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
З-ИЛОВА

Намуна

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ****14-модда. Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар**

Жарима тарикасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамок, озодликдан маҳрум қилиш ~~ва ўлим жазоси~~ ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумининг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ЎРҚ-99-сонли Қонуни билан сўзлар алмашди (ЎзР ОМП Ахб., 2007 й., 6-сон, 248-модда)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ КОДЕКСИ****73-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш**

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуроолларини, шундай қуроолларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, ~~ниёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни~~ контрабанда қилиш ~~шунингдек~~ ~~ниёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунига қилоф равишда сотиш~~ учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

—) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ўРҚ-99-сонли Қонуни билан сўзлар чиқарилди (ЎзР ОМП Ахб, 2007 й., 6-сон, 248-модда)

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Намуна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

84-модда. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар

Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, ба-шарти:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
 - 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
 - 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
 - 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
 - 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;
 - 6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан кўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
 - 7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.
- ⌋)

⌋) *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–277-сонли Қонунига мувофиқ 8-банд билан тўлдирилди (ЎзР ҚХТ, 2010 й., 52-сон, 509-модда)*

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
5-ИЛОВА

Намуна

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
31.03.1997 й. ПФ–1741-сон**

**ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА
АМАЛИЙ САНЪАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ
ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**
[Кўчирма]

х) 2. 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида, рўйхатдан ўтган хонадон шароитида бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хонадон шароитида халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг мазкур турлардаги буюмларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар.

Ушбу рўйхатдаги буюмлар республикадан ташқарига сотилиши чоғида улардан олинадиган бож ҳақи бекор қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

х) ЎзР Президентининг 2002 йил 2 январдаги ПФ-3020-сон Фармони билан имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди (ЎзР ОМ Ахб., 2002 й., 1-сон, 33-модда)